## НАВОИЙХОНЛИК

# «МАЖОЛИС УН НАФОИС» ҲИКМАТЛАРИ

**Азиз ҚАЮМОВ, академик**

**Навоий ўз даврида ва ундан олдин яшаган ижод аҳли вакиллари тўғрисида маълумот тўплаган. Бу маълумотни саралаб чиқиб, саккиз бобга тақсимлаган. Ана шу «мажлис» деб аталган боблардан иборат китобини «Мажлоис ун нафоис» деб атаган. Бу китобнинг икки таҳрири мавжуд. Биринчи таҳрир 1491 йилда амалга оширилган. 1492-98 йиллари эса Навоий бу асарни қайта таҳрирдан ўтказган, китобни анча тўлдирган ва айрим ўринларини қайтадан ишлаб чиққан.**



Шуни унутмаслик керакки, Навоий яшаб ижод этган даврда – XV асрнинг иккинчи ярмида адабиёт кўпроқ форс тилида бўлган. Аммо шу билан бир қаторда, эски ўзбек тили – туркийда ҳам асарлар ёзилган. Баъзи шоирлар фақат форс тилида шеър ёзганлар. Баъзилар форс тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам ёзганлар. «Мажолис ун нафоис»да номи айтилган зотларга Навоий ижод аҳлига мансуб зотлар сифатида ёндошган. Уларнинг қайси тилда шеър ёзишига қараб ёндошган эмас. Шунинг учун ҳам бу асар Навоийдан олдинги ва Навоий яшаган даврдаги умумий адабий жараённинг кўзгуси сифатида муҳимдир. Яна шуни таъкидламоқ шартки, Навоийдан олдин ҳам шундай асарлар яратилган эди. Шоирлар тўғрисида маълумот ва уларнинг асарларидан намуналар жамланган бундай асарлар «тазкира» деб аталган.

Навоий замондошларидан Абдураҳмон Жомий ҳам «Баҳористон» китобининг 7-бобида бир гуруҳ шоирлар тўғрисида маълумот берган. Бу даврда Давлатшоҳ Самарқандий ўз тазкирасини яратган. Лекин мавжуд тазкиралар ҳаммаси фақат форс тилида ёзилган эди. Ўзбек тилида яратилган биринчи тазкира Навоийнинг «Мажолис ун нафоис» асаридир. Шундай қилиб, Навоий ўзбек тазкиранавислигига асос солди.

«Мажолис ун нафоис»да тўрт юз эллик тўққиз киши тўғрисида маълумот бор. Аммо уларнинг ҳаммалари ҳам шоир бўлмаганлар. Айрим зотлар бевосита шоирлик билан машғул бўлмаган бўлсалар-да, шеърга муҳаббат қўйган ва шу борада ажойиб фикрлар изҳор этгандирлар.

«Мажолис ун нафоис»нинг биринчи мажлисида Навоий уларнинг мулозаматига эриша олмаган азизлар тўғрисида сўз юритади.

Бу мажлис Амир Қосим Анвар тўғрисидаги маълумот билан бошланган ва Муҳйи тўғрисидаги сўз билан якунланган.

Бу мажлисда Навоий шоир Амирий тўғрисида бундай деб ёзади:

«Мавлоно Амирий – турк эрди ва туркча шеъри яхши воқеъ бўлибдур, аммо шуҳрат тутмабдур. Ва бу байт анинг «Даҳнима»сидиндур:

**Не емакдин, не уйқудин**
**солиб сўз**
**Емакдан тўюб уйқудир**
**юмуб кўз».**

Шундан сўнг шоирнинг Шайх Камолга қилган ўхшатмаси тўғрисида айтилади ва форсий ғазалидан бир байт келтирилади. Шоирнинг қабри Бадахшон томондаги Арҳан Саройдадир. Навоий яна шу мажлисда Мавлоно Ҳожи Абул Ҳасан, Мавлоно Кутбий, Мавлоно Наимий каби ҳам туркийзабон, ҳам форсийзабон шоирлар тўғрисида хабар берган. Навоий Мавлоно Насимийни таърифлар экан, «Туркий назмларга табъи мулойим эрди» деб ёзади ва унинг қуйидаги матлаъини келтиради:

**То адамдин бўлди пайдо**
**мунча ким ҳусну камол,**
**Сен париващдек яратмабдур**
**башардин зулжалол.**

Иккинчи мажлисда Навоий учрашган азизлар тўғрисида сўз боради. Аммо ушбу китоб ёзилаётган вақтда (896ҳ. 1490-91м.) улар дунёдан ўтган эдилар.

Бу мажлисда машҳур ўзбек шоири Лутфий тўғрисидаги маълумот диққатга сазовордир. Бу мақолада Лутфийни ўз замонидаги шоирлар шоҳи – малик ул калом деб баҳолангани кўрсатилган. Унинг туркий (эски ўзбек) тили ва форсийда шеърлар битгани, ўн минг мисрада «Зафарнома»ни таржима қилгани қайд этилади. Навоий «Бу фақир борасида Лутфий кўп фотиҳалар ўқубдур» деб хабар беради.

Лутфий тўқсон тўққиз йил умр кўрган. У умрининг охирида Ҳирот яқинидаги Деҳи Канор деган жойда яшаган ва вафотидан сўнг ўша ерда дафн этилган.

Яна бу мажлисда Ҳаримий, Дарвеш Нозурий, Яқиний, Атойи, Муқимий, Камолий, Латифий, Саккокий, Суғдий, Билол, Мир Саид Қобилий, Муҳаммад Али Ғарабий, Мирзабек, Саййид Ҳасан Ардашерларнинг ўзбек тили (туркий)да ёзган шеърларидан намуналар берилган.

Учинчи мажлисда Навоий билан бир вақтда, биргаликда яшаб ижод этган шоирлар тўғрисида сўз боради. Бу мажлис устоз Абдураҳмон Жомий тўғрисидаги мақола билан бошланган. Сўнг Амир Шайхим Суҳайлий, Сайфий, Осафий, Биноий ва бошқа шоирлар тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

Тўртинчи мажлис эса, ўзи гарчи шоир бўлмаса-да, назм борасида зариф ва қадршунос бўлган зотларга бағишланган.

Бешинчи мажлис шеърга мухлис мирзозодалар ва бошқа таъб аҳли; олтинчи мажлис – Хуросондан ташқаридаги фозиллар тўғрисидадир.

Еттинчи мажлис султонлар, уларнинг авлоди ичида шеърга майли бор зотлар ҳақида маълумот беради.

Саккизинчи мажлис тўласича Султон Ҳусайн Бойқаро шеърларининг талқинига бағишланган. Унда Навоий Ҳусайн Бойқаронинг (У Ҳусайний тахаллуси билан шеърлар ёзар эди) «алиф»дан бошлаб то «ёй» ҳарфигача тугалланган шеърларининг айрим байтларига шарҳлар ёзган.

Шундай қилиб, Навоийнинг «Мажолис ун нафоис» асарида XV асрда Хуросон ва Мовароуннаҳрда яшаган адабиёт аҳли ва таъб, дид жиҳатидан уларга яқин турган зариф зотлар тўғрисида маълумот берилади. Ҳар бир мажлисда тилга олинган кишиларнинг ҳаёти тўғрисида Навоий қисқача уларнинг шеърларидан намуналар келтиради.

Аммо шоирлар ижодига баҳо беришда Навоий эҳтиёткорлик билан сўзлайди, айрим танқидга муносиб кишилар тўғрисида Навоий кескин фикр билдиради.

«Мавлоно Абдулло деган киши ўзини Жомийга яқин тутар, лекин маъни юзидан ундан бағоят йироқ эди», деб ёзади Навоий. Мавлоно Абдулло маснавий ёзмоққа мойил эди. Шунинг учун малик ул калом Фирдавсий Тусий, Шайх Низомий Ганжавий, шоирлар султони ва амирлар амири ҳазрат Хожа Хисрав Деҳлавийларни назар-писанд қилмас эди.

Унинг маснавийларига қандай қараши бизга маълум эмас. Навоий киноя билан айтадики, биз ўша устозларнинг мухлисимиз, бизда ҳатто шунга ҳам ҳунар ва қобилият йўқ. Модомики шундай экан, «мундоқ кишининг шеъри (яъни Мавлоно Абдуллонинг – А. Қ.)ни таърифламоққа қандай ҳақимиз бордир».

Шундан сўнг хабар берадики, ушбу асар ёзилаётган пайтда (1490-91) Мавлоно Абдулло «Хамса»дан «Лайли ва Мажнун», «Хисрав ва Ширин», «Ҳафт пайкар»га татаббу (ўхшатма) қилди. «Искандарнома»га жавобан «Зафарнома» ёзмоқда эди. «Шеъри эл орасида бағоят машҳур ва ривожи номақдурдир (чегараси йўқ)».

Шоир Мирзабек тўғрисида Навоий ниҳоят ширин ва ёқимли ифодаларда ҳикоя қилади.

«Мирзабек – инсоният ва хуш ахлоқликда Хуросон ва Самарқанд мулкида ягона эрди. Таъб ва фаҳм ва отару тутарда бу икки мулк йигитлари орасида саромади замона ва зиҳни диққат ва маоний нукудидин Ғаний (маъно бойлигидан бой) ва таъби бу навъ таърифлардан мустағний (ўзига бойлик касб этган)».

Шундан сўнг Навоий шоир Мирзабекнинг бир байтини келтирган:

**Кўзунг не бало қаро**
**бўлубтур?**
**Ким жонга қаро бало**
**бўлубтур.**

Навоий бу байтни давом эттириб, унинг хотираси учун бу шеърини ўз девонига киритганини ёзади.

«Мажолис ун нафоис»да Навоий адабий ҳаётдаги турли латифаомуз воқеалар тўғрисида ҳам сўзлайди.

Жомий Макка сафарига отланган вақтда Ҳиротдаги Жомий атрофидаги шоирлардан Вайсий ва Соғарий ҳам у билан бирга Маккага боришмоқчи бўлганлар. Сафарга жўнаш пайти келганда Вайсий эшаги йўқлигини баҳона қилиб йўлга чиқмади. Соғарий ҳам бир баҳона билан сафардан қолди.

Амир Суҳайлий бу тўғрида бир қитъа ёзган эди. Бу қитъа эл ўртасида ёйилиб кетди. Навоий Соғарий ҳақидаги мақолада шу қитъани келтирган:

**Вайсию Соғарий ба азми**
**ҳарам**
**Гашта буданд ҳар душон**
**сафарий**
**Лек азон роҳ ҳар ду во**
**монденд**
**Он як аз бахарию ин зи**
**харий.**

Маъноси: Вайсий ва Соғарий ҳар икковлари Маккага сафар қилмоқчи бўлдилар. Бироқ у бири эшаги йўқлигидан ва бу бири эса ўзи эшак эканлигидан ул йўлдан қолдилар.

Айрим таъби назм эгаларининг амалий фаолияти эл учун оғир бўлгани ва шу туфайли уларнинг жазо олгани ҳам «Мажолис ун нафоис»да очиқ кўрсатилган.

Масалан, Мавлоно Сонеъий маснавий йўлида шеърлар ёзган. Унинг фаолияти тўғрисида Навоий ёзади: «Вазир эрди. Зулм ва баднафслиғи жиҳатидан подшоҳ сиёсатига гирифтор бўлди ва мақтул бўлди «(Ўлдирилди)».

«Хожа Мусайаб – Ул дағи вазорат бехудлиғидан мусулмонларға ажаб зулмлар қилурға бел боғлаб эрдиким, қазо девонидан бевосита сиёсатқа мустажаб бўлиб ва эл анинг шарридин халос бўлдилар». Маъноси: у ҳам вазирликда ҳаддидан ошиб мусулмонларға турли зулмлар қилмоққа бел боғлади. Турмуш тақозоси билан тўппа-тўғри қаҳри ғазабга учради ва эл унинг зулмидан қутилди.

Яна Ҳуррамий, Сайид Куроза, Сайид Қутиб Лакаданг каби шоирларнинг ўз ёмон феъли-хўйи билан ҳаммани норози қилганларини Навоий очиқ ёзади.

Хуррамий бадмижозлиги туфайли Хуросонда туролмади. Ҳаж сафарига борди. У ердан яна бадфеълроқ бўлиб қайтди. Уни мадҳ этмоққа тил ожиз, ақл қусурлидир. Сайид Куроза ҳам шундай. Хуросонда ундан ҳамма безор бўлгач, Самарқандга борди. У ерда ҳам беҳуда ишлар билан банд бўлди. Унинг қилган ишлари шундай ёмонки, шарҳ этмакка ҳожат йўқ. Навоий Сайид Курозанинг шеърини келтирар экан, ёзади: «Бу матлаъ ул бадбахткинанингдир». Сайид Қутб Локаданг ҳам Сайид Курозанинг шериги эди. У фасод иши учун ўлимга ҳукм этилган. Кейин бу ҳукм қамоқ билан алмаштирилди. Ундан Самарқандга қочди.

Навоий унинг шеърини келтирар экан, ёзади: «Ул нокасгинанинг майли муаммоға кўпроқ воқеъ бўлғон учун бир муаммосин битилди».

Мавлоно Наргис деган шоир «Қайдаким Жузвий рангин ё маънийи нозук кўрса тасарруф қилурға одат қилибдур». Яъни, қай ерда яхши шеър учратса уни ўзиники қилиб олмоқ одати бор эди.

Жаннатий эса «ақли ҳам йўқтур, толеъи ҳам». Ҳозир ҳам саргардон бўлиб юрибди, деб ёзади Навоий. Яна унга қанча ёрдам кўрсатдим, лекин ҳеч ерга еткура олмадим, деб ёзади Навоий.

Қобилий деган шоирнинг шеърини келтирар экан, Навоий ёзади: «Ҳеч мазаси йўқтур ва қофияси ҳам ғалатдур».

Мавлоно Бақоий тўғрисида Навоий дейди: «Ўзини муамоийлиққа ҳам шуҳрат берди. Аммо фақир ҳаргиз андин муамоки, нимага ярагай эшитмадим».

Хожа Мусо ўзини шеърга мансуб деб ҳисоблайди. Аммо ўзининг қўлидан шеър ёзиш келмайди. Табъи назми бор кишиларга ёрмоқ (озуқа) бериб ўз отиға шеър ёздиради ва эл қошида ўқийди. Хабардор кишилар буни билайдилар.

Ана шу келтирилган маълумотдан кўриниб турибдики, Навоий ўз асарига шеър аҳлига мансуб ёки умуман алоқадор бўлган барча кишиларни киритган. Уларга нисбатан ўз шахсий муносабатидан келиб чиқмаган. Демак, масалага ғоят холисона ёндошган. Умумий адабий муҳитни кўрсатмоққа ҳаракат қилган ва бунга эришган.

# БИР УМРГА ТАТИР БУ БАЙРАМ






**Инсон ҳаётида шодиёна кунлар кўп бўлади. Лекин улардан баъзиларини одам бир умр эслаб юради. Шундай байрамлардан бири «Алифбо» байрамидир. Эндигина мустақил ҳаётга қадам қўйиб, сершовқин ҳаёти-ю, илм олишнинг серзавқ машаққатлари таъсирида юрган болакайларга «Алифбо» байрами оламжаҳон шодлик олиб келади, уларнинг жажжигина юракчаларида бир умр ўчмас муҳрини қолдиради. Бу байрамни улар анчагача эслаб юришади.**

Сирғали туманидаги 252-таянч мактабида ҳам «Алифбо» байрами бўлиб ўтди. Ўқишни ўрганганларидан қанчалар мамнун эканликлари болакайларнинг юз-кўзларидан кўриниб турарди.

— Икки йилдан бери болаларга лотин графикасига асосланган ўзбек ёзувини ўргатаяпмиз, — дейди 1-синф ўқитувчиси Шоира Аҳмедова. — Ўтган ўқув йилида, биринчи марта бўлганлиги учунми, бироз қийналгандик. Лекин бу йилги ўқувчиларим катта ҳаётга биринчи қадамларини ўзига хос тантанали бир тарзда бошладилар. Болаларни илк бор синфга олиб кирганимда, уларни ажойиб совғалар кутарди — парталар устида янги папка ва ўқув қуроллари қўйиб қўйилганди. «Бу папка ва ўқув қуролларини сизларга Ўзбекистон Президенти совға қилган», деганимда болаларнинг қанчалар севинганларини бир кўрсангиз эди. Уларнинг кўзидаги шу бир лаҳзалик қувонч сўзсиз митти юракларида бир умрлик из қолдиради. Балки, шу сабаблими, бу йилги ўқувчиларим ўтган йилдагиларга қараганда ўқишни анчагина яхшироқ ўзлаштиришяпти. Аълочиларим ҳам нисбатан кўпроқ.

Байрамни Шоира опанинг қўлида илк бор «Алифбо»ни ўрганиб, ҳозирги вақтда 6-синфда ўқиётган ўқувчилар бошқаришди. Ўқитувчиси ўрнида даврани шу синф ўқувчиси Раъно Эсонова олиб борди. Болакайлар ҳузурига «Алифбо» китоби ташриф буюрди. У ўзини яхши ўқиб-ўрганганларидан мамнун эканлигини билдириб, болаларга «Ўқиш» китобини ҳадя этди.

Алишер Навоий болаларга ўз ғазалларидан ўқиб берди. Амир Темур боболари эса болаларга яхши ўқиб, олим бўлиб, ўз она-Ватанларини янада юксалтириш йўлида сидқидилдан хизмат қилишлари лозимлигини уқтирди ва бу йўлда уларга муваффақиятлар тилади. Унга жавобан болалар ўзларининг эгаллаган билимларини намойиш этишди. Байрамга йиғилган ота-оналари ва меҳмонлар ҳузурида инглиз ва ўзбек тилида шеърлар, ашулалар, турли халқлар ижодига мансуб рақс ва ҳажвий қўшиқларни ижро этишди. Ўзбекистон давлат Мадҳияси ва Пўлат Мўминнинг «Алифбо байрами» шеърини жўровоз бўлиб айтиб беришди.

Байрам сўнггида мактаб директори Насиба опа Камолова алифбони аъло даражада якунлаган 10 нафар ўқувчига мактаб жамоаси томонидан таъсис этилган «Алифбо аълочиси» медалини тақдим этди.

Митти-митти орзулар йиғилиб улкан орзуларга, кичик-кичик муваффақиятлар эса йиғилиб оламшумул кашфиётларга айланади. Шоядки, ўз муваффақиятидан энтикаётган бу болалар бир куни келиб, ўз элини оламга танитган таниқли олимлар, ардоқли санъат-кору муаллимлар бўлиб етишсалар. Қай соҳада бўлмасин, халқига сидқидилдан хизмат қилиб, она-Ватанининг равнақи ва тараққиёти йўлида фидойи инсонлар бўлиб камол топсалар бас.

**Муҳаббат ЙЎЛДОШЕВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Тўлқин КАРИМОВ**
**олган суратлар.**


SIEMENS NIXDORF




Германияда № 1 —
Siemens Nixdorf шахсий компьютерлар бозорида пешқадам:
бизнес-компьютерлар борасида Intel-SCENIC Pro асосида, ишчи станциялар борасида Intel-SCENIC Celsius асосида, серверлар борасида Intel Pentium® II Processor ёки Pentium® II Processor with MMX™ Technology процессорлари негизига асосланган Intel-PRIMERGY асосида етакчи.
Бизнинг Европа PC бозоридаги савдомизнинг ўсиши 52 фоизни ташкил этади. Худди шунингдек, SCENIC Celsius 1000 ишчи станциямизнинг тезлиги ҳам тенгсиздир.
Сизга қандай ёрдам беришимиз мумкин?
Қуйидаги телефонларга қўнғироқ қилинг: 132-03-14 ёки 40-67-50.
Бизнинг манзил: 700000, Тошкент, А. Толстой кўчаси, 23-уй.

**Шахсий компьютерлар ва серверлар**

**Siemens Nixdorf: User Centered Computing**



РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР
Тел.: 136-09-25



**Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар (ташкилотлар), қўшма корхоналар ва чет эл корхоналарининг раҳбарлари диққатига!**

Ўзбекистон Бирлашган телекоммуникация тармоғида лицензиялаштирилган фаолиятни амалга ошириш учун қўлланадиган барча телекоммуникация техник воситалари мажбурий тарзда сертификатлаштирилиши шарт. Телекоммуникация техник воситаларини сертификатлаштириш Электроалоқа техник воситаларини сертификатлаштириш марказий идораси (ЭТВСМИ)нинг ташкилий тузилмасига кирувчи Электроалоқа техник воситаларини сертификатлаштириш идораси (ЭТВСИ) ва Сертификатлаштириш синов маркази томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Ўзбекистон телекоммуникациялари соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг раҳбарларидан, мувофиқлик сертификатига эга эмасликлари ёки бошқа давлатларнинг тегишли идоралари берган мувофиқлик сертификатларига эга бўлганлари сабабли махсус рухсатномалари (лицензиялари) чақириб олиниши билан боғлиқ англашилмовчиликларга йўл қўймаслик учун, Сертификатлаштириш марказий идорасига мурожаат қилишларини сўрайди.

**Боғланиш учун телефонлар: 133-61-88, 133-84-95.**
**Манзил: Тошкент 700000, А. Толстой кўчаси, 1.**

*Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги*



ВРАЧЛАР УЧУН АХБОРОТ
АПЗОН



- ЖКТ катогенларига танлаб таъсир этадиган восита;
- кенг спектр, резистентга ўрин қолмайди;
- ичакларнинг нормал ҳолатини бузмайди;
- ЖКТ бўшлиқларида тўпланади.

ДОЗА
5-10 кун давомида кунига 4 марта 1 таблеткадан



ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
*Парламент 133-57-34;*
*Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94;*
*Иқтисодиёт 136-36-65;*
*Қишлоқ хўжалиги 136-37-85*
*Маънавият 136-35-60, 132-10-65;*
*Хатлар 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;*
*Халқаро ҳаёт 132-11-15;*
*Котибият 133-10-28;*
*Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0984, 41.579 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — Ғ. Шермуҳаммад.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 *Босишга топширилди: 21.30* 1 2 3 4 5 6